БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 17 (17.895). • 21 январь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

## ИШЧАНЛИК, ТАЛАБЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

Москва шаҳар XXVI ҳисобот-сайлов партия конференцияси 20 январь куни Москвада Союзлар уйининг Колонна залида КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети тевараги да монолит бирлик вазиятида очилди.

Гулдурос, давомли қарсаклар билан қутиб олинган Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кирилленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар президиумдан жой оладилар.

Конференция кун тартибида Москва шаҳар партия комитетининг ҳисобот доклади ва КПСС Москва шаҳар ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботи, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси тўғрисида доклад, КПСС шаҳар комитети ва ревизия комиссиясини, партия XXVI съездига делегатлар сайлаш масаласи бор.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин Москва шаҳар партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

(ТАСС).

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1981 йил 20 январда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIX пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездига ҳисоботини кўриб чиқди. Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов шу масала юзасидан доклад қилди.

Пленум Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Компартияси XX съездига ҳисобот докладини бир овоздан тасдиқлади.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғоипов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. К. Михайлов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. У. Умаров, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов ўртоқлар пленумда «КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳисобот бердилар.

Иккинчи масалани муҳокама қилишда Каттақўрғон молларни сўқимга боқувчи чорвачилик комплексининг директори Г. З. Анпилогов, Қашқадарё область Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони А. Эшбоев, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори Ш. А. Акмалхонов, Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг директори М. Е. Красильников, Тошкент область Чиноз районидаги «Чиноз» совхозтехникумининг директори А. Б. Апанасенко ўртоқлар иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов пленумда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси ҳақида»ги масалани Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съезди кун тартибига киритишга қарор қилди. Докладчи — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

### «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА» ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида область партия комитетлари биринчи секретарларининг ҳисоботларини тинглаб ва муҳокама қилиб, шунч қайд этадики, партиянинг аграр сиёсати, КПСС XXV съезд динг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари изчиллик билан бажарилиб, республикада кейинги йилларда чорвачиликни юксалтиришга доир катта тадбирлар амалга оширилди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида колхозлар, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда чорва ва паррандалар кўпайди, уларнинг насли яхшиланди, маҳсулдорлиги ошди, гўшт етиштириш 30 процент, сут етиштириш 42 процент, тухум 65 процент кўпайди. Давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш беш йиллик планлари анча ошириб бажарилди. Чорвачиликни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, шу тармоқни саноат негизига кўчириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Республика, область ва районларнинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет, хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантириш ва жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг шу масалага доир қарорини бажариш соҳасида собитқадам иш олиб бормоқдалар. Юксак кўрсаткичларга эришган Тошкент области чорвадорларининг тажрибаси, андижонликларнинг чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини жадал қуриш ва муддатидан илгари ишга тушириш асосида чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси, ўн биринчи беш йилликда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кескин кўпайтириш борасида Оҳангарон, Конимех, Фориш, Ленин, Самарқанд, Шаҳрисабз, Калинин, Чиноз, Бахмал, Бўзатов районларнинг ҳамда Наманган областидаги пахтачилик бригадаларининг ташаббуси алоҳида эътиборга сазовордир. Кўпгина хўжаликлар пахтачилик билан чорвачиликни ривожлантиришни мувофиқлаштирилган равишда қўшиб олиб бориб, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтирдилар ва чорва маҳсулдорлигида юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси резервларни ишга солиш ва улардан тўлароқ фойдаланишга, чорвачиликни юксак суръатлар билан ривожлантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга пленум республикада чорвачиликни ривожлантириш соҳасида эришилган даража тобора ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларга ҳамон мос келмаяпти деб ҳисоблайди. Кўпгина хўжаликлар ва районларда сигирлар сонини тезроқ кўпайтириш, чорва ва паррандa маҳсулдорлигини ошириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти, озуқа етиштиришни кўпайтириш суръатлари сут-кашлик билан оширилмоқда, озуқа экинлари аралаш, такрорий ва оралатиб тўла ҳажмда экилмаяпти. Бир қанча колхозлар ва совхозларда озуқа цехлари қуриш ва улардан самарали фойдаланишга, ем-хашак сифатини яхшилашга етарли даражада эътибор берилмаяпти.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида гўшт ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан ҳали ҳам сust фойдаланилмоқда. Аҳолининг шахсий хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришга етарли эътибор берилмаяпти. Балиқ етиштириш ва овлаш секинлик билан кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ҳисоблайдики, чорвачиликни ривожлантиришда камчиликларнинг борлиги айрим партия комитетлари Марказий Комитетнинг XIV пленуми қарорида дуруст хулоса чиқариб олмаганларининг, чорвачиликка раҳбарлик қилиш соҳасида ўз ишларини сust қайта қураётганликларининг, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажариш устидан етарли контроллик қилмаётганликларининг оқибатидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан қабул қилган қарорини амалга ошириш соҳасида область ва район партия комитетлари қилаётган ишлар маъқуллансин. Чорвачиликни яна да жадал ривожлантиришни таъминлаш — партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг, хўжаликлараро ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг, илмий-тадқиқот муассасаларининг бундан буён ҳам бош вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

2. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, министрликлар ва идораларнинг, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг зиммасига ушбу қарорда ва ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқида эътибор берилган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чораларни кўриш, чорвачлик маҳсулотини янада кўпайтиришга эришиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларида кўзда тутилган топшириқларни сўзсиз бажаришни таъминлаш масъулияти юклатилсин. Яқин йиллар ичида барча пахтакор хўжаликларда гўшт етиштириш ҳар 100 гектар сугориладиган экинзор ҳисобига 120—150 центнерга, сут етиштириш 400—450 центнерга етказилсин.

Энг муҳим вазифани ҳал этишга — гўшт етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилсин. Қорамолларни интенсив боқиш, тез семиртириш, гўштга топириладиган вазнини 420—450 килограммга етказишга эришилсин. Чорва моллар ва паррандаларнинг ҳамма турлари, айниқса урғочи моллар туёғини алча кўпайтириш, сигирларни нормативдан ортиқча гўштга топириш фактларига қарши қатъий кураш олиб бориш, урғочи моллаларнинг қисир қолишини кескин камайтириш, подани урчитиб кўпайтиришни ва фермаларда наслчилик ишини яхшилаш, сигирлардан сут согиб олишни кўпайтириш таъминлансин.

Гўштбоп паррандачилик, чўчқачилик, қуёнчиликни ривожлантириш суръатлари оширилсин. Йилқичилик, туячилик, асаларичилик ҳар томонлама ривожлантирилсин, балиқ етиштириш ва овлаш кўпайтирилсин. Чўчқачилик комплексларининг, бройлер паррандачилик фабрикаларининг қувватларини кенгайтириш билан бирга ихтисослаштирилмаган хўжаликларнинг фермаларида, хўжаликлараро корхоналарда, саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида, савдо системасида чўчқа гўшти ва парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

Гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини шахсий хўжаликларда етиштириши кўпайтириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин, колхоз ва совхозлардан ёш чорва мол ва жўжа сотиб олишда, ем-хашак тайёрлашда саноат корхоналарининг оталиқ ёрдамидан кенг фойдаланилсин.

3. Пленум шуни алоҳида таъкидлайдики, чорвачиликни жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этишда ем-хашак етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳар бир колхоз, совхозда, хўжаликлараро корхонада чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилишига эришишлари, ем-хашак етиштиришга ихтисослаштирилган тармоқ тусини беришлари, озуқа экинлари ҳосилдорлигини ва ҳар гектар экинзордан олинадиган сифатли ем-хашакни кўпайтиришлари, озуқа экинларини такрорий, аралаш ва оралатиб экишни, шунингдек, беда, рапс, соя, дон учун маккажўхори ва бошқа сероқсил экинлар экишни кенг жорий этишлари керак.

Озуқа ишлаб чиқаришда, емни сақлаш ва ундан фойдаланишда илғор технологияни жорий этиш борасидаги ишлар кучайтирилсин, барча хўжаликлар ва фермаларда озуқа цехлари қурилсин, ҳар бир килограмм озуқанинг самарадорлиги оширилсин.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги омихта ем ишлаб чиқариш топшириқлари белгиланган ассортиментда бажарилишини таъминласин, уларнинг сифатини кескин яхшиласин.

4. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги, Қишлоқ қурилиши министрликларининг, «Узколхозстрой», «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР нинг «Госкомводстрой»и ва «Госкомсельхозтехника»сининг 1981 йилда чорвачилик комплексларини, фермалар ва паррандачилик фабрикаларини муддатидан илгари босқичма-босқич фойдаланишга топширишни таъминлаш борасидаги тадбирлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорига мувофиқ область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар, район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги, Қишлоқ қурилиши министрликлари, «Госкомсельхозтехника», «Главсредазирсовхозстрой», «Узколхозстрой», «Госкомводстрой», Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш министрликлари, «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Госснаби зиммасига чорвачилик комплекслари қуриш юзасидан белгиланган тадбирлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш, 1981 йилда ва ўн биринчи беш йилликнинг шундан кейинги йилларида чорвачилик объектларини муддатидан илгари ўзлаштириш ҳамда ишга тушириш учун «тез қурамиз — тез ўзлаштирамиз» шиори остидаги қурилиш методини кенг жорий этиш вазифаси юклансин. Чорвачилик фермаларини реконструкция қилиш ва уларни ишлатишда саноат корхоналарининг оталиқ ёрдамидан кенг фойдаланилсин.

5. Область, шаҳар ва район партия комитетлари кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшиласинлар, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш юзасидан планлар ҳамда социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширсинлар. Чорвачиликни янада юксалтириш учун курашда тармоққа партиявий раҳбарлик даражаси яна ҳам юқори кўтарилсин, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг роли ҳамда масъулияти оширилсин. Чорва қишловчи муваффақиятли ўтказиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун чорвадорларнинг социалистик мусобақаси кенг авж олдирилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида чорвачиликни жадал ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун ҳамма ишларни қиладилар, КПСС XXVI съездини янги меҳнат зафарлари билан муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

# ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

### РЕСПУБЛИКА ХИМИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЮЗАСИДАН ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар республикамизда коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янги зафарларга даъват сифатида қабул қилинди.

Республика химия саноати корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга интилиб, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси ҳақида» КПСС Марказий Комитетининг қаро ридан илҳомланиб, ўз кучлари, билими, ижодий изланишларини йиллик ва беш йиллик планларни бажариш учун курашнинг ҳал қилувчи соҳаларига сафарбар этмоқдалар, ҳамда юксак марраларни белгиламоқдалар.

Республика химиклари ташкилотчилик, ғоявий-сиёсий ишларни яхшилаш, социалистик мусобақани янада авж олдириш, ишлаб чиқаришнинг технология режимларини оптималлаштириш, хом ашё ва материалларни сарфлаш коэффициентларини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ва ички резервлардан оқилона фойдаланиш йўли билан йиллик планга қўшимча равишда 140 минг тонна, шу жумладан, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида 40 минг тонна, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 30 минг тонна, Олмалиқ химия заводида 40 минг тонна, Қўқон суперфосфат заводида 40 минг тонна, Самарқанд химия заводида 10 минг тонна, Фарғона азотли ўғитлар заводида 10 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Улар 1981 йилда қишлоқ хўжалигида юксак марраларга эришиш юзасидан умумхалқ вазифасини бажариш ишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, колхоз ва совхозларга 1 августгача, яъни энг қулай агротехника муддатларида пландан ташқари 100 минг тонна минерал ўғит етказиб берадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика химия саноати корхоналари коллективларининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш юзасидан ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона область партия комитетларига, Олмалиқ, Қўқон, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ шаҳар партия комитетларига минерал ўғитлар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг коллективларига социалистик мусобақани авж олдиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бутун иш сифатини яхшилашда қар томонлама ва доимий ёрдам бериш топширилди. Меҳнат коллективларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишлари қабул қилинган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга қаратилсин.

Республика, область ва шаҳар газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига республика химия саноати корхоналарининг коллективлари қабул қилган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини еритиб бориш, энг яхши коллективлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларнинг иш тажрибасини пропаганда қилиш таклиф этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

1981 йил 20 январда Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда комиссиянинг Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездига ҳисобот доклади тасдиқланди.

## ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Рональд У Рейган Америка Қўшма Штатлари президенти лавозимини бажаришга киришганлиги муносабати билан Л. И. Брежневга табрик телеграммаси йўллади.

Телеграммада бундай дейилади:

«Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда халқаро аҳволни соғломлаштириш ва тинчликни мустаҳкамлаш мақсадларида барча давлатларнинг актив куч-ғайрат сарфлашлари қатъий тақозо этилади. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ижобий ривожланиб бориши, актуал халқаро проблемаларни ҳал этишда уларнинг конструктив ҳамкорлиги шу мақсадларга эришишга яхши хизмат қилишига аминман. Биз эса шундай ҳамкорлик тарафдоримиз».

(ТАСС).

УЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ

## ЭЛЕКТРОТЕХНИКЛАР ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида электротехника машина ускуналарини бир-бирига етказиб беришни ўн биринчи беш йилликда 2,5 баравар кўпайтириш белгиланди. Электротехника саноати соҳасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан Совет-Руминия иш группасининг 20 январь куни Тошкентда очилган ўн учинчи мажлисида ана шу рақамлар келтирилди.

Тошкентдаги мажлис қатнашчилари 1981—1985 йилларда бир-бирларига етказиб берадиган электротехника саноати маҳсулотининг номенклатураси, ҳажми ва техникавий характеристикаларини келишиб оладилар, шу тармоқда илмий-техникавий ҳамкорлик планини белгилайдилар. (УзТАГ).

## ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министри О. Фишер Совет ҳукуматининг таклифига бинoан 1981 йил январь ойининг охирида Совет Иттифоқига келади.

# ЛЕНИН — ҲАМИША БАРҲАЁТ

## БУЮК НИГОҲ

**Ленин! Бу қутлуғ ном бутун жаҳон пролетариати, халқаро коммунистик ва ишчи партиялар арбоблари, эркпарвар ва тараққийпарвар кучлар учун муқаддас ва абадият тимсоли. Унинг нурафшон сиймосида миллий озодлик ва жаҳонда барқарор тинчлик учун курашаётган бутун инсониятнинг чақмоқли йўллари, бахт ва ёрқин келажак намоён!**

**Ленин ўзининг табаррук устозлари Карл Маркс ва Фридрих Энгельсдан йўргаклаб олган уйғоқ дунёни кафтида тутди. У Россияда эски тузумнинг илдизига болта урмоқ учун жар солди. Унинг янгроқ овози Европани ларзага солди. Романовлар авлодидан қолган кўҳна иморат — эски Россия қулатилди, янги изга тушди. Буюк Советлар мамлакатида бахт ва баҳор гуркиради.**

**Ленин йўли — адолат ва ҳақиқат йўли, тараққиёт ва миллий озодлик, порлоқ келажак йўли! Бу кун бутун беш қитъа шу йўлдан дадил ўтмоқда!**

**Суратда: Кремлда В. И. Ленинга ўрнатилган ёдгорлик ҳайкали.**

**ТАСС фотохроникаси.**

# Садоқат сатрлари

Улуғ Ленининг табаррук номи барча халқлар учун азиз ва мўътабардир. Совет Ўзбекистонининг гуллаб-яшнаётган воҳаси — Хоразм меҳнаткашлари ҳам Ильични ўзларининг севикли устози ва ҳалоскори сифатида эъзозлашлари бежиз эмас. Партиянинг 1917 йил апрель конференциясида доҳийнинг: «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўл остида яшашни мутлақо истамаймиз. Биз революциямизни ривожлантириб, мазлум халқларга таъсир қиламиз» деб айтган сўзлари амалда рўёбга чиқди. 1920 йилда халқ революцияси ғалаба қозонди ва Хоразмда бахт тонги отди.

Хонлик истибдодидан абадий озод бўлган, янги ҳаёт қуришга киришган қадимий ўлка меҳнаткашларининг революция доҳийсига чексиз меҳр-муҳаббати унга йўллаган хатларда ёрқин акс этган. Халқ ҳокимияти ўрнатилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилган ўша даврда В. И. Ленинга ўндан ортиқ мактуб ёзилган. Бу хатларнинг тексти «Ўзбекистон» нашриёти 1964 йилда чоп этган «Туркистон меҳнаткашларининг В. И. Ленинга хати» деган китобда тўла равишда келтирилган. Хатларни ўқисангиз, унинг ҳар бир сатри доҳийга битмас-туганмас меҳр, садоқат билан тўлиб-тошганлигини чуқур ҳис қиласиз.

1920 йилнинг 27 апрелида Хоразм Советлари биринчи қурултойи йўллаган хатда жаҳон революцияси йўлбошчисига самимий табриклар, эзгу тилаклар изҳор қилинади, Владимир Ильич қурултойнинг фахрий раислигига сайланганлиги билдирилади. Хатнинг охирида: «1 Май кунини Хива меҳнаткашлари биринчи марта бутун дунё пролетариати билан бирга байрам қиладилар» деган сўзлар битилган.

1922 йил 26 июлда Советларнинг бутун Хоразм учинчи қурултойидан В. И. Ленинга ёзилган хат алоҳида диққатга сазовордир. Бу пайтда доҳий бетоб эди. Хатда шундай сатрлар бор:

«Меҳнаткашлар Советлари III Хоразм қурултойи Сиз қадрли биродар ва устозга ўзининг чуқур муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини йўллайди. Биз Сизнинг соғлиғингизни хавотирланиб кузатиб турибмиз ва Сизнинг тўла соғайиб кетишингизни ва сиҳат-саломат бўлишингизни чин қалбимиздан истаймиз... Шарқ халқлари фақат бир доҳийни — Ўртоқ Ленинни танийдилар ва фақат унинг билан бирга борадилар».

Қасамёддек жаранглочи бу сўзларда хонлик зулмидан, асрий қулликдан озод бўлган халқнинг ўз йўлбошчисига қалб ташаккури, ягона тўғри йўл — Ленин йўлидан боришга қатъий азму қарор қилганлиги ифода этилгандир.

Ильичга мактублар меҳнаткаш омманинг буюк устози, дўсти ва мураббийсига, у тузган Коммунистик партияга бениҳоя миннатдорчилик, Ленин ғояларига, революция ишига садоқат руҳи билан суғорилган. Бу миннатдорчиликнинг рамзи сифатида В. И. Ленин Хоразм Халқ Совет Республикасининг олий мукофоти — Меҳнат ордени билан тақдирланади. 1922 йилда Хоразм Халқ Совет республикаси Марказий Ижроия Комитетидан буюк доҳийга йўлланган хатда шундай дейилади:

«Хоразм революциясининг икки йиллигини нишонлаб биз меҳнат қаҳрамонларига бериш учун Меҳнат ордени таъсис этдик. Сиз қадрли ва севимли устозимиздан Марказий Ижроия Комитетнинг қарорига мувофиқ ана шу орденни олишни ва Шарқда кўп асрлик қулликдан озод бўлган меҳнат рамзи сифатида тақиб юришингизни сўраймиз».

Хоразм Коммунистик партияси ва комсомолининг съездларидан, камбағаллар комитетлари, кам ерли ва ерсиз деҳқонлар қурултойларидан В. И. Ленинга йўлланган хатларда Хоразм меҳнаткашлари доҳий кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, Совет тузумини мустаҳкамлаш ва социалистик жамият қуриш учун бутун куч-ғайратларини бағишлашга тайёр эканликлари айтилган. Воҳа меҳнат аҳли бу аҳду паймонга доимо содиқ бўлиб қолди. Аму соҳилидаги Хоразм, Қорақалпоғистон АССР, Туркманистон ССР Тошовуз области меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритган улуғвор муваффақиятлар сўзимизнинг далили бўла олади.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

*КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида*

# ИСТИҚБОЛ ПРОГРАММАСИ

## ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташиши эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондириш, транспорт системаси иши самарадорлиги ва сифатини ошириш транспортнинг асосий вазифасидир. Бунда шубҳасиз темир йўл транспорти катта роль ўйнайди. Мамлакатимизда темир йўл транспорти йил сайин техника билан қайта жиҳозланти-рилмоқда. Юк кўп ташиладиган йўналишларда темир йўлларнинг юк ташиш ва ўтказиш қобилияти оширилмоқда. Темир йўл станциялари ва узеллари қувватига қувват қўшилмоқда.

Бўлимимиз Ўрта Осиё темир йўлининг йирик тармоқларидан бири. Унинг қамровида 20 дан ортиқ шаҳобчалар бор. Ўтган беш йиллик бўлимимиз учун ўсиш, улғайиш йиллари бўлди. Янгиянги линиялар ишга туширилди. Поездлар ҳаракатини ташкил этишда юкларни маршрутлаш даражаси ва графиклар роли оширилди. Локомотивлардан ва вагонлардан фойдаланиш яхшиланди. Янги техниканы жорий этиш ҳисобига 1 миллион сўмдан ортиқ фойда олдик. 170 километр янги темир йўл излари ётқизилди.

Локомотив хўжаликларимиз йил сайин ривожланиб бормоқда. Юк ташиш оборотининг ошганлиги билан тепловозларнинг ҳам техникавий тезлиги ошди. Янги типдаги тепловозлар ўзлаштирилиб, ремонт ишларидаги барча жараёнлар механизациялаштирилди. «Тинчлик» локомотив депосида янги ремонт цехи ишга туширилди. Бухоро, Чоржўй участкасида марказлашган диспетчерлик пункти ташкил этилди. «Бухоро-1» станцияси реконструкция қилинди. Алоқа ва сигнализация линиялари такомиллашди. Вагонлар саралаш пунктида барча ишларнинг механизациялашгани саралаш пайтида вагонларнинг бекор туриб қолиш ҳолларини қисқартирди.

### ТРАНСПОРТ

Халқ хўжалиги юклари ҳужжатларини расмийлаштиришда электрон ҳисоблаш машинаси катта ёрдам бермоқда. Бу — қўшни Самарқанд областида халқ хўжалиги юкларини ортиш, ташиш суръатларини бир қадар оширишга имкон яратди. Шунингдек, юк хўжалиги станцияларини ихтисослаштириш, юк ташиш оборотини ошириш, контейнер майдонлари ва механизмларни ремонт қилувчи устахоналар барпо этиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда вагонлар юк сиғими анча ошди. Ҳар бир вагонга пландан ташқари бир тоннага қадар кўп юк ортишга эришяпмиз. Шу йўл билан ўтган беш йилликда 13 мингдан ортиқ вагон муддатидан барвақт бўшатилди. Ёки шунча вагонга қўшимча юк ортиб жўнатилди. Планга қўшимча беш йил давомида қирқ миллиондан ортиқ пассажирга хизмат кўрсатилди. Биргина ўтган якунловчи йилда пландан ташқари жўнатилган халқ хўжалиги юклари бир неча минг тоннани ташкил этди.

Бўлимимиз темир йўлчилари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Асосий йўналишлари лойиҳасини катта қизиқиш билан ўрганиб, кенг муҳокама қилмоқдалар. Транспорт ва алоқани ривожлантириш бобида айтилган йўл-йўриқларга нисбатан ўз шахсий фикр ва истакларини билдирмоқдалар, таклифлар киритмоқдалар. **«Темир йўл транспортида,** — дейилади лойиҳада, — **техника билан қайта жиҳозлаш амалга оширилсин, юк кўп ташиладиган йўналишларда темир йўлларнинг юк ташиш ва ўтказиш қобилиятини янада ошириш, шунингдек темир йўл станциялари ва узеллари қувватининг оширилиши таъминлансин».** Биз бу сатрларни **«Халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташиш эҳтиёжини тўлароқ ва вақтида қондириш йўлида темир йўл деполарини янги тепловозлар билан таъминлашга кўпроқ эътибор берилсин»** деган сатрлар билан тўлдириб ўтилишини таклиф қиламиз. Чунки, қозон кўпгина деполарда ҳаракатдаги эски тепловозлар иш суръати ва сифатига бир қадар таъсир кўрсатяпти. Устига-устак уларнинг тез-тез ремонтга қўйилиши вақтдан ўнумли фойдаланиш борасидаги ҳаракатларга ҳалақит бермоқда.

Бўлимимиз коллективи КПСС XXVI съезди очилгунга қадар 1981 йил биринчи квартал топшириғини адо этиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборди.

**Г. ХУРИНОВ,**
**Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлими бошлиғи.**

ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР...

## МЕҲНАТ ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Фан ва техника ғоят ривож топган даврда яшаяпмиз. Қишлоқ хўжалигида қўл меҳнатини тўла механизациялаштириш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир. Шу сабабли Асосий йўналишлар лойиҳасига **«Мактабларда юқори синф ўқувчилари механизациялашган меҳнатга тўла жалб қилинсин»**, деган сўзларни ёзиб қўйишни таклиф қиламан. Чунки мактаб ўқувчиларининг қўли ёшликдан қудратли машиналарга ўрганадиган пайт келди. Ана шуни эътиборга олиб, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларини юқори синф ўқувчилари учун замонавий кучли техника билан, қуйи синф ўқувчилари учун эса кичик ҳажмдаги тракторлар билан таъминлаш лозим, деб ҳисоблайман.

**М. АБДУРАСУЛОВ,**
**Андижон область Москва районидаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.**

## КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

**«Тракторлар, автомобиллар, ўрим-йиғим ва терим ҳамда бошқа машиналардан фойдаланиш анча яхшилансин... Техника ремонти ва техникага хизмат кўрсатиш сифати оширилсин».**

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

Хўжабод районидаги «Ленинград» колхози механизаторлари — Йўлдошбой Тўйчиев, Шарофиддин Шамшиев, Абдумутал Сангинов ва бошқалар биринчи класс тракторчилар бўлишди.

Юқори малакали механизатор техникани яхши, тушунган ҳолда бошқаради, бу эса машинанинг хизмат муддатини узайтиради. Ўнинчи беш йиллиннинг бошидаёқ колхозда механизаторлар малакасини ошириш махсус комиссияси тузилган эди. Бу комиссия бош мутахассислар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, энг тажрибали тракторчилардан иборат. Шундан буён эллиқдан кўп киши билимини оширди. Энди колхознинг кўплаб механизаторлари биринчи ва иккинчи классга эгадирлар. Улар ёшларга ёрдам беришга доим тайёрлар.

Комиссия яқинда трактор паркида илғор тажриба мактаби ташкил қилишни таклиф этди. Мактабнинг биринчи машғулотида «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Қурбонали Умрзоқов сўзлади. Қ. Умрзоқов қариб 20 йилдан буён колхозда меҳнат қилиб, кейинги ўн йил мобайнида битта тректорда ишлямоқда. У ўз касбдошлари ва ёш механизаторлар билан машинанинг узоқ хизмат қилиши сирларини баҳам кўрди.

— Шу кунларда, — деди хўжалик бош инженери М. Жўраев, — Биз энг яхши механизаторларданўттиз кишини дам олиш учун санаторийга кузатиб қўйдик. Путевкани колхоз олиб берди, қишлоқ хўжалик машиналари хизмат муддатини ошириш учун социалистик мусобақа ғолибларининг зарбдор меҳнати ана шундай тақдирланади. Бу механизаторларнинг тракторларидаги мана икки-уч йилдирки, ремонтсиз ишлаб турибди, улар мавсумга шай қилиб қўйилган.

(ЎзТАГ).

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

## Ёрдамчи хўжалик шарофати

Жарқўрғон пахта тозалаш заводи коллективи ўтган йили меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган эди. Бу юксак мукофотдан руҳланган пахта тозаловчилар ўнинчи беш йиллик планига қўшимча 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилдилар.

Заводда барча ички резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланилаётир. Айниқса, ўтган йили ташкил этилган ёрдамчи хўжалик фаолияти диққатга сазовор. 200 бошдан зиёд қорамол, қўй ва паррандa яхши парвариш қилинмоқда. «Колокольчик» болалар боғчаси, ишчилар ошхонаси ёрдамчи хўжаликда етиштирилган гўшт, сут, тухум ва себзавот маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Яқинда завод маъмурияти катта наф келтираётган ёрдамчи хўжаликни янада кенгайтиришга қарор қилди. Қорамоллар сони 20 бошга, қўйлар 50, паррандалар эса минг бошга етказилди. Барча меҳнат коллективлари қатори завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини катта қизиқиш билан ўқиб, ўрганмоқдалар. Бу ҳақда завод директори А. Ибодуллаев шундай деди:

— Биз халқимизнинг фаровонлигини кўзловчи бу муҳим ҳужжатни тўла-тўкис маъқуллаймиз. Коллективимизда лойиҳанинг «Агросаноат комплексининг ривожланиши» боби, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Унда ёрдамчи хўжаликларга кенг йўл очиш керакли таъкидланган. Биз шу бобга корхоналар ёрдамчи хўжаликлари ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари учун **«Район марказлари ва аҳоли зич яшайдиган поселкаларда омихта ем сотиш дўконлари ташкил этилсин»** деган сатрларни киритиб қўйишни таклиф қиламиз. Шундай қилинганда, ёрдамчи хўжаликлар иши яхши йўлга қўйилиши, меҳнаткашларнинг чорва маҳсулотларига бўлган талаби қондирилиши мумкин бўлади.

**Т. ЭШҚОРАЕВ,**
**Сурхондарё области.**

# УЛКАН МАРРАЛАР

### В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1981 ИЛГИ

## СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб корхонани кенгайтириш, электр пўлат қуйиш корхонаси комплексининг янги қувватларини ва ҳалқ истеъмол қиладиган буюмлар ишлаб чиқарадиган қувватларни фойдаланишга топширишдан иборат улуғвор программани бажариш борасида баланд рух билан меҳнат қилмоқда.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида 3 та электр печь ва заготовкаларни узлуксиз қуядиган иккита машина бир қанча ёрдамчи хизмат бўлимлари билан бирга ишга туширилди. Электр металлурглар шу комплекс ишга туширилганидан буён Ватанга 600 минг тоннадан кўпроқ пўлат берди. Беш йиллик ичида комбинатда пўлат ишлаб чиқариш икки баравардан зиёд ошди. Прокатчилар ва мартенчилар топшириқларини муддатидан илгари бажардилар, пландан ташқари 9,3 минг тонна прокат ва 13,9 минг тонна мартен пўлати тайёрлаб берилди. Йилига 5 минг тонна сирланган пўлат идиш ишлаб чиқариладиган корхонанинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида 125,3 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. 52,8 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Комбинат коллективи маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1980 йил планини муваффақиятли бажарди. Планга қўшимча равишда 475 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 4,3 минг тонна шартли ёқилғи, 9,7 миллион киловатт-соат электр энергия, 5,1 минг тонна металл тежаб қолинди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмининг 60 процентига қадар етказилади ва шу ҳисобдан 3000 тонна металл тежаб қолинади.

Хом ашё, ёқилғи ва энергетика ресурсларини тежаб-тергаш режимига қаттиқ риоя этган ҳолда 850 тонна шартли ёқилғи ва 2,2 миллион киловатт-соат электр энергия тежалади.

Янги техника ва илғор технологияни татбиқ этиш йўлидан қатъий бориб, йилига 700 минг сўм иқтисод қилиш имконини берадиган 29 та ташкилий-техникавий, шунингдек 400 минг сўм иқтисодий самара берадиган 720 та рационализаторлик таклифи жорий этилади, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 12 процент камайтирилади.

Иш сифатини муттасил ошира бориб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи 18,2 процентга етказилади.

750 нафар янги ишчи тайёрланади, 169С ишчининг, шу жумладан илғор меҳнат методлари мактабларида 360 ишчининг малакаси ошириладi.

Коллективнинг социал ривожлантириш комплекс планини амалга ошира бориб, 7,5 минг квадрат метр уй-жой майдони, касалхона комплекси, поликлиника фойдаланишга топширилиши таъминланади, санаторийларда, завод профилакторийсида ва дам олиш базасида камида 3000 меҳнаткашнинг саломатлиги яхшиланади.

Комбинат металлурглар коллективи қабул қилинган мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун бутун куч, билим ва маҳоратларини серфиллайдилар ҳамда жонажон Коммунистик партиянинг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб оладилар.

**Ушбу мажбуриятлар комбинат меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ АНДИЖОНДАГИ 162-ТРЕСТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1981 ИЛГИ

## СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Трест коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди ва барча белгиланган объектлар ҳамда қувватларни ишга туширишни таъминлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан руҳланган трест коллективи съездолди социалистик мусобақасини «Ишчи эстафетаси» принципи асосида кенг авж олдириб, 1981 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишга энг янги ютуқларни жорий этиш ҳисобига қурилаётган объектлар ва комплекслар бўйича қурилиш товар маҳсулотлари йиллик программасини 25 декабрга бажарамиз, қўшимча равишда 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширамиз. Меҳнат унумдорлигининг белгиланган топшириққа нисбатан 0,1 процент ўсишини таъминлаймиз.

Икки ойлик планни муддатидан илгари, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажарамиз ва Андижон шаҳрида 320 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширамиз.

Илғор лойиҳа ва технологик ечимларни қўлланиш асосида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари тажрибасидан кенг фойдаланиб, бригада пудрати йўли билан камида иш ҳажмининг 60 процентини бажариб, Ленинск шаҳридаги трактор заводи филиали ва Андижон шаҳридаги механика заводининг янги қувватларини, «Электроаппарат» заводининг гальваник корпуси ва Андижондаги автокомбинатни ишга туширамиз, 1 сентябргача Андижон ип-газлама комбинати учун ишлаб чиқариш техника-билим юртининг 720 ўринли ўқув блокини фойдаланишга топширамиз.

Андижон ип-газлама комбинатининг иккинчи навбатини учинчи квартала, муддатидан уч ой илгари ишга туширамиз.

Социал программани амалга оширишни тезлаштириш имкониятларини ҳисобга олиб, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш планини ошириб адо этамиз. 17 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жой бинодарини қурамиз.

Хўжалик ҳисобини янада ривожлантириш асосида, прогрессив қурилиш материаллари ва конструкцияларини жорий этиш ҳисобига 422 тонна цемент, 200 тонна металл, 316 кубометр ёғочтахта, 65 минг киловатт-соат электр энергияни тежаб қоламиз.

Қурилиш сифатини оширамиз, саноат, ва граждан аҳамиятига эга бўлган барча объектларни «аъло» ва «яхши» баҳоларда фойдаланишга топширамиз.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига шартли равишда 250 минг сўм иқтисодий самара оламиз.

160 янги ишчи тайёрлаймиз ва 650 ишчининг малакасини оширамиз. Ҳар йили камида икки мартадан «Энг яхши касб эгаси» деган номни олиш учун конкурс ўтказамиз. Меҳнатга аккорд системасида ҳақ тўлашни 75 процентгача етказамиз.

**Ушбу мажбуриятлар Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 162-трести бўлинмалари коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## «НУҚСОНЛАР ВА БАҲОНАЛАР»

Газетамизнинг 1980 йил 19 ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Намангандаги 25-қишлоқ қурилиши трестидаги баъзи камчиликлар, жумладан, бу ерда кўчма колонналар, участкалар, бригадаларни қурилиш механизмлари билан қуроллантириш даражаси пастлиги, илғор тажриба ва усулларни қўлланишга етарли эътибор берилмаётганлиги, интизомнинг бузилаётганлиги ва бошқа нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги очиб ташланган эди.

Ушбу мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИДАН шундай мазмунда жавоб олинди:

— Мақолада 25-қурилиш трести ишидаги камчиликлар тўғри кўрсатиб ўтилган. Мақолада трест бўлимлари ва бўлинмалари раҳбарлари ҳамда партия ташкилоти секретари иштирокида бўлиб ўтган трест советининг мажлисида муҳокама қилинди.

Эндиликда трест томонидан катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Жумладан, 35150 квадрат-метрли уй-жой, олти юз ўринли болалар ясли ва боғчалари, 1724 ўринли мактаб, пландан ташқари олтмиш ўринли касалхона, 480 ўринли ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа кўплаб объектлар қурилиб ишга туширилди.

Ҳозирги вақтда Оқтошда саноат базаси қурилиши олиб бориляпти ҳамда 1981 йилда ишлаб чиқариш корпусини фойдаланишга топшириш назарда тутиляпти.

Министрлик 25-трестга мавжуд ички имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш ва мақолада кўрсатиб ўтилган қолоқликни тугатиш юзасидан яқиндан ёрдам бермоқда.

## ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

ФРУНЗЕ, 20 январь. (ТАСС). Ўнинчи беш йиллик экономика, маданият ва фанни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини янада ўстиришда Қирғизистон меҳнаткашлари учун муҳим босқич бўлди. Қирғизистон Коммунистик партиясининг бугун очилган XVII съезднинг делегатлари қўлга киритилган муваффақиятларни юксак талабчанлик позициясида таҳлил қилиб, ишчанлик билан кўриб чиқмоқдалар, янги марраларни белгиламоқдалар.

Делегатлар ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайладилар.

Съезд кун тартибида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси ҳақида»ги доклад, Қирғизистон Компартиясининг раҳбар органларини ва КПСС XXVI съездига делегатлар сайлаш масаласи бор.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев ҳисобот доклади қилди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

## САМАРАЛИ ТАКЛИФ

Янгиердаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг энергетиги Николай Тимофеевич Погребенко бетонни қолипга қўйишнинг янги схемасини ишлаб чиқди. Бу схема ана шу операциядаги қўл меҳнати сарфини камайтиришга, мураккаб темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга имкон беради. Н. Погребенко — корхонадаги энг тажрибали рационализатордир. У ўтган беш йилликда жорий этган йигирмата янгиликдан 21 минг сўмлик иқтисодий самара олинди. Корхона коллективи унинг «ҳар бир техника жараёнига рационализаторлик таклифи жорий этилсин» шиори асосида меҳнат қилмоқда.

(ЎзТАГ).

# ОЙДИН ЙЎЛ

Колхозимиз КПСС XXV съезди арафасида Сурхон водийсида эмас, балки республикамизда ҳам энг йирик ва юқори ҳосилли пахтакор хўжаликлардан бири бўлиб танилган эди. Эндиликда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳа ва тармоқларини ҳам юқори погонага кўтариш навбат кутиб турарди. Бу вазифани бажариш учун дастлаб 1200 қорамолга мўлжалланган юксак даражада механизациялашган сутчилик комплекси қурилишига киришдик. Бу ишга колхоз бўлинмас фондидан 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Орадан йил ўтди. Қурилиш битказилди. Қорамолчилик, сутчилик, соҳасидаги ишлар юришиб кетди.

Комплекс ишга тушгач фақат қўл меҳнати енгиллашиб қолмай, ишлаб чиқариш маданияти ҳам яхшиланди. Молларнинг зотли бўлишига катта эътибор бердик. Натижада, сут ва гўшт етиштириш йиллан йилга кўпайиб борди. Ўнинчи беш йиллик бошида ҳар бош сигирдан 1700 килограмдан сут согиб олинган бўлса, 1980 йилга келиб бу кўрсаткич 3000 килограммдан ошиб кетди. Мохир сут согувчи Савдамо Кенжаева ўзига бириктилган сигирларнинг ҳар биридан 5.500 килограммдан ошириб сут согиб олиб, областда рекорд қўйди. Унинг мусобақадоши Ҳайитой Шодиева ҳар бош сигирдан 4500 килограммга етказиб сут согиб олди.

Бундан беш йил олдин тўшгга топширилган қорамолларнинг тирик вазни 280 килограммдан ошмаган бўлса, ўтган йили 450 килограммдан юқори бўлди. Ҳисори қўйларнинг тирик вазни эса 98—100 килограммгача етказилди. Бу ўнинчи беш йиллик бошидаги кўрсаткичга нисбатан икки баравар кўпдир. Умуман олганда биз съезддан съездгача бўлган даврда сут етиштиришни 1,6 баравар, гўштни 1,5 баравар кўпайтирдик. Хўжалигимиз даромади 1,3 марта кўпайиб, 12 миллион сўмга етди. Бларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш максадида «Остона» насос станциясининг иккинчи навбатини қуриб ишга тушириик.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида хўжалигимиз имкониятлари ва кучи билан 115 та уй-жой, 10 та дала шийпони, 15 километр узунликдаги водопровод линияси, 30 километрлик ички йўллар қуриб битказилди. 1976 йилда хўжалигимизда ҳунар-техника билим юрти ташкил этилган эди. Бу билим даргоҳи механизатор кадрлар ва машинада сут согувчи кадрлар тайёрлаб бермоқда. Булардан ташқари, шу даврда меҳнат шарафи музейи, стадион, маданият ва истироҳат боғи, маиший хизмат уйи, клуб ва кутубхоналар, халқ ижодий уйи, халқ университети, маданият уйи ва бошқа маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектлари қуриб фойдаланишга топширилди. Қисқаси, меҳнаткашларнинг дам олиши, ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини қизиқарли ўтказишлари учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Хўжаликни комплекс ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Сариосиёдаги «Коммунизм» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси барпо этилди. Унинг составига бир неча совхоз киритилди. Эндиликда биз катта имконият ва маблағларга эга бўлганимиз учун қолоқ соҳаларни кўтаришга кўпроқ сармоялар сарфлаш имкониятига эгамиз.

Хўш, бизнинг бирлашмамиз истиқболи қандай? Бирлашманинг ўраги бўлмиш «Коммунизм» совхози 1980 йилда 3200 гектар майдондан пландаги 12.578 тонна ўрнига 15 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони кўтарди. Беш йилликка белгиланганига нисбатан она-Ватанга 5000 тонна кўп пахта етказиб берилди. Сут етиштириш беш йиллик планни 130 процент, гўшт—125, ғалла—160, сабзавот —112 процентга адо этилди.

Бирлашма составига кирган, Ҳисор тоғ тизмалари орасида ташкил топган «Хонжиза» совхозида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда 1800 гектар майдонга мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, боғ-роғлар бунёд этилди. Шу хўжаликнинг ўзи яқин келажакда йилига 10 минг тонна олма етиштирадиган бўлади. Бу совхоз қорамолларни сўқимга боқишга ихтисослаштирилади. Бу ерда кам деганда 7000 бош қорамол боқилади. Янги, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилларида бу ерда икки кўтаргичли насос станциясининг биринчи ва иккинчи навбатлари қурилиб ишга туширилади. Бу эса қўшимча равишда бир неча минг гектар янги ер ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имкониятини беради. Натижада, чорва моллар учун озуқа базаси етиштириш имкониятлари кенгаяди. Машҳур Боботоғ қовун-тарвузлари, ширин-шакар мевалари ва узумларини етиштириш 3—4 баравар кўпаяди.

Яқинда бирлашмамиз составига «Дашнобод» анорчилик ва «Сариосиё» узумчилик-мевачилик совхозлари ҳам қўшилди. Шу хўжаликлар жойлашган массивда 5 минг гектар мевали боғлар ва яна шунча узумзорларни суғорадиган «Ҳасанхон» канали қурилиши бошлаб юборилди.

Бундан уч ой бурун бирлашмамиз составида асл зотли, ҳар бирининг тирик вазни 100—120 килограммгача келадиган ҳисори қўйларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган махсус «Ҳисор» совхози ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 28 минг бош ҳисори қўйлар парвариш қилиняпти. Шу беш йилликда уларнинг сони 40—50 минг бошга етказилади. Республикага донги кетган машҳур «Дашнобод» анорчилик совхозида 1000 гектар адир ерларга анор кўчатлари ўтказилди. Келгусида анорзорлар майдони яна 1500 гектарга кўпайтирилади. Ҳар гектар майдондан ўн тоннагача анор етиштириш кўзда тутилмоқда.

Ўн биринчи беш йиллиннинг дастлабки йилларида биз булардан ташқари бирлашмамиз маркази — «Коммунизм» совхозида совхоз-техникум ташкил этамиз. Бу билим юртида етарли механизаторлар, машинада сут согувчилар тайёрлаб чиқарилади. Шунингдек, сув ҳавзаси 200 гектар бўлган балиқчилик хўжалиги, 20 гектар лимонарий, ҳар бири 50 қути ипак қуртига мўлжалланган 10 та ипакчилик комплекси, йилига 25 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган завод, 200 юк автомашинасига мўлжалланган автобаза, анор шарбатини ажратиб оладиган махсус цех, 25 минг товуққа мўлжалланган паррандахона ва бошқа муҳим корхоналар қуриш ва яқин келажакда фойдаланишга топшириш режаларини ҳам тузиб қўйдик.

Жонажон партиямизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳақида қилаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан бирлашмамиз коллективи КПСС XXVI съездига муносиб совғалар тайёрламоқда. Биз партиямизнинг олий мақсади бўлмиш совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш, маъмурчиликни таъминлаш ишига бундан буён ҳам бутун куч-ғайратимизни сарфлайверамиз. Ўн биринчи беш йиллиқда қиладиган ишларимизнинг конкрет чора-тадбирларини белгилаб чиқдик. Бирлашмамиз меҳнат аҳли табиий иқлим ер, сув ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва рационал фойдаланиш асосида ўн биринчи беш йиллик давомида ҳар йили ўрта ҳисобда 26 минг тонна пахта, 10 минг тонна дон, 12 минг тонна узум, шунча тонна мева, 1,8 минг тонна гўшт, 7 минг тонна сут, 1,5 миллион дона тухум, 500 центнер жун етиштиришни таъминлайди. Бирлашма 10 минг бош зотдор қорамолни, камида 40 минг бош асл зотли ҳисори қўйларни парвариш қиладиган бўлади.

Шундай қилиб, яқин келажакда территориал ишлаб чиқариш бирлашмамиз Сурхондарё областидаги энг йирик чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини саноат асосида ишлаб чиқарадиган корхонага айланади.

**Б. ОМОНОВ,**
**Сариосиёдаги «Коммунизм» территориал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

## Съездан — съездгача

## ЧОРВАЧИЛИК ХАБАРЛАРИ

**Ромитан райони чорвадорлари янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ яхши семиртирилган дастлабки туркум чорва моллари гўштга топшира бошладилар. Қисқа вақт ичида қабул пунктларига 310 тонна гўшт етказиб берилди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 450 килограмм тош боғди. Қўйлар 45 килограмм, чўчқалар эса 110 килограммданга тўғри келди.**

* * *

**КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақага актив қўшилиб меҳнат қилаётган қўриқ Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхоз чорвадорлари давлатга 60 тонна гўшт етказиб бериб, дастлабки муваффақиятга эришдилар. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 440 килограммни ташкил этди.**

**Муваффақиятга совхознинг Норбой Сувонов мудирлик қилаётган қорамолчилик фермасининг чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар. Чорвадорлар бу йил гўшт етиштиришни аввалги йилларга нисбатан 25—30 процент кўпайтириш мақсадида бўрдоқига боқилаётган қорамолларни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилмоқдалар.**

* * *

## ТАСС РАДДИЯСИ

Кейинги кунларда АҚШда СССР хусусида навбатдаги душманлик кампанияси бошланди. Ўрнини бўшатиб бераётган маъмуриятнинг расмий кишилари баёнотлари шу кампанияни бошлаб берди. Фактларга хилоф равишда бу шахслар совет оммавий ахборот воситаларининг Америка — Эрон муносабатларини чигаллаштириш истаги бор, деб кўрсатишга уринмоқдалар.

АҚШ бутун жаҳон аҳлининг кўз ўнгида Эрон яқинида қудратли ҳарбий куч тўплаб қўйганлиги халқаро воқеаларнинг ривожини кузатиб турган ҳар бир кишига жуда яхши маълум. Бутун дунё матбуоти, шу жумладан Америка матбуоти ҳам бу ҳақда ёзмоқда. АҚШнинг расмий арбоблари бу фактни инкор қилмаяптилар ва инкор қилишлари ҳам мумкин эмаслиги равшан. Бундан ташқари, Вашингтондан неча марталаб, шу жумладан кейинги кунларда Эронга қарши ҳарбий куч ишлатиш тўғрисида бевосита қилинган дўқ-пўписалар эшитилиб турди.

Шу сабабли бу мавзуда совет оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган маълумотлар ҳақиқий аҳволнигина акс эттиради ва қандайдир пиҳона мақсадларни асло кўзламайди.

Американинг расмий шахслари бунинг аксини айтаётганликларини мана шундай баёнотлар ёрдамида мазкур туҳмат шовқин-суронини авж олдириб юборган кимсаларнинг ҳақиқий мулоҳазалари хусусида АҚШнинг ўзидаги ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги афкор оммани чалғитиш учун онгли равишда қилинган уринишдан бошқа нарса деб ҳисоблаб бўлмайди.

Бу шовқин-сурон Картер маъмуриятига ўзининг Вашингтонда туришини советларга қарши баланд пардаларда тугаллаш ва АҚШнинг янги раҳбарларига ўзига хос «эстафета»ни топширишга интилиш учун керак бўлиб қолганлиги яққол кўриниб турибди. Бироқ, буга даҳлдор бўлган кишилар мана шу номуносиб пропаганда найрангининг ҳақиқий мақсадини пайқаб ола биладилар, деб ўйламоқ керак.

## ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК

**Шу қиш кунларида «Тошкент» совхози сут-товар комплексида сигирлардан ёздагидек мўл сут согиб олинмоқда.**

Бу ерда ҳар бир сигирдан кунига ўрта ҳисобда 11 килограммдан, илғор сут согувчилардан Д. Нурисова, К. Йўлдошева, Д. Эргашевалар эса 15 килограммдан сут согиб олмоқдалар. Уларнинг илғор иш усуллари сут-товар комплекси қошида ташкил этилган илғор тажриба мактабида ўрганилмоқда.

Қишловга яхши тайёргарлик кўрилганлиги натижасида сигирлардан мўл сут согиб олинмоқда. Комплекс молхоналари яхши ремонт қилинган, молларга сув ишлаб берилади, турли озуқа запаслари яратилиб, улар тўйимли витаминлар билан бойитилган. Комплексда мутахассислар кечаю-кундуз навбатчилик қилишлар, қатъий режимга риоя этиладилар.

**Наманган области.**
**(ЎзТАГ).**

# ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

## Л. И. Брежнев асарлари Италияда нашр этилди

**РИМ, 20 январь. (ТАСС). Уртоқ Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» асарлари еттинчи томи босилиб чиққанлиги Италия жамоатчилигининг зўр эътиборини жалб қилди. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, аввалги олти том Аппенин ярим оролида кенг тарқалди, шу китоблар совет ва итальян халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни ва анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ва фойдали ҳисса бўлди.**

Совет раҳбари асарларининг ҳозир Италиядаги китоб магазинларида пайдо бўлган еттинчи томига Л. И. Брежневнинг 1978 йил бошларидан то 1979 йилнинг бошларигача бўлган даврдаги асарлари ва нутқлари киритилган, деди совет журналистлари билан суҳбатда Италиядаги «Эдитори риунити» прогрессив нашриётининг директори Роберто Бонкьо.

Унинг фикрича, мазкур том итальян китобхонлари учун алоҳида қизиқиш туғдираётганлигининг бир қанча сабаблари бор: биринчидан, унда «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» трилогияси берилган. Бу трилогияни «Эдитори риунити» нашриёти ҳозиргача икки марта чоп этди. Бу эса Л. И. Брежнев китоблари Италияда ғоят манзур бўлаётганлигидан далолат беради. КПСС ва Совет давлати раҳбарининг уруш ва урушдан кейинги даврлар тўғрисидаги эсдаликлари ғоят катта қизиқиш уйғотмоқда, деб таъкидлади Р. Бонкьо. Л. И. Брежневнинг иқтисодий масалаларга доир нутқлари, жумладан унинг 1978 йил 3 июлда КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қилган ва қишлоқ хўжалиги проблемаларига бағишланган доклади, шунингдек 1978 йил 27 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленумида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш масалалари юзасидан сўзлаган нутқи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Л. И. Брежневнинг Америкада чиқадиган «Тайм» журнали саволларига қайтарган жавоблари, деб давом қилди Р. Бонкьо, муҳим ҳужжат бўлиб, унда Совет-Америка муносабатларига доир проблемалар тилга олинади. Совет раҳбари мана шу жавобларида иккала давлат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришгина эмас, шу билан бирга яхши муносабатларга айлантиришга СССР тайёр эканлигини яна бир бор таъкидлади. Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш кўн жиҳатдан мана шу муносабатларга боғлиқдир.

Пировардида Р. Бонкьо айтдики, Л. И. Брежнев асарларининг янги томи ташқи сиёсат соҳасидаги мутахассисларнигина эмас, шу билан бирга Совет давлатининг ҳозирги ривожланиши, унинг халқаро фаолияти тўғрисидаги ҳужжатли далиллар билан яқиндан танишишни истаган барча итальянларни ҳам қизиқтиради. Ушбу китоб, деб уқтирди у, мамлакатларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшади. Ҳамжиҳатлик Италия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва ўзаро ҳурмат муносабатларининг негизидир.

## Ҳужжат имзоланди

ЖАЗОИР, 20 январь. (ТАСС). Кеча АҚШнинг Жазоирдаги вакиллари Эронда 1979 йил 4 ноябрдан бери ушлаб турилган Америка элчихонаси ходимларини бўшатиб юбориш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар. Эрон томони бу ҳужжатни Теҳронда имзолади. Эришилган аҳднома дипломатларни қўйиб юбориш Эроннинг президент Ж. Картер қарори билан АҚШда ушлаб турилган маблағлари бир қисмини қайтариб бериш билан боғлиқ қилиб қўйган. Маълумки, илгари Вашингтон маъмуриятга Америка ходимларини куч ишлатиб озод қилишга урниб кўрган эди. Ўтган йил апрелида шу мақсадда «коммандос»ларнинг Эрон территориясига бостириб кириши уюштирилди, бу уриниш барбод бўлди.

Айни вақтда АҚШ Эронга Форс кўрфази районига тўплаб қўйилган катта ҳарбий-денгиз кучларидан фойдаланиб, анча кенг ҳарбий ҳаракатлар қилиш билан ҳам дўқ урди. Тазйиқ ўтказиш юзасидан кўрилган бошқа тадбирлар орасида Эрон билан савдо-сотиқ тақиқлаб қўйилди.

Бироқ бу тазйиқ Вашингтонга ўзи кутган натижани бермади ва пировард натижада Ж. Картер маъмуриятга Америка ходимларини қўйиб юбориш шартлари хусусида Эрон билан музокара ўтказишга розилик беришга мажбур бўлди.

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

### СИФАТНИ ОШИРИШ ҲАРАКАТИ

**Венгриянинг саноат корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш учун бошланиб кетган ҳаракат яхши натижалар бермоқда. Ўтган йилнинг ўзида 250 тадан кўпроқ саноат маҳсулотига Сифат белгиси берилди.**

Улар орасида «Биринчи Май» тикувчилик фабрикасининг эркаклар ва аёллар хушбичим пальтолари ҳамда костюмлари, «Видеотон» радиотехника заводининг телевизорлари ва радиоприёмниклари, рўзғор химиясининг турли маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари бор.

Маҳсулот сифатини ошириш учун бошланган кенг миқёсдаги ҳаракат кейинги йилларда мамлакатдагина эмас, чет элларда ҳам корхона маҳсулотига бўлган талабнинг доимо ошиб боришига ёрдам бермоқда.

### РОБОТЛАРНИНГ УЧИНЧИ АВЛОДИ

**Болгариянинг учинчи авлодга мансуб биринчи роботи «Болгария-1300» деб аталди. Уни БХРдаги бир қанча институтларнинг мутахассислари биргаликда ясадилар.**

Электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида бошқариш манипуляторни ташқи шароитларга ва иш вазиятига қараб ўзгартириб туриш имконини беради. У операторнинг овоз билан берган командасини бажаради. Ифодали қилиб айтганда, янги роботнинг «икки қўлидан» ташқари «кўзи» ва «қулоғи» ҳам бўлади. Бундай роботлар машинасозликдаги баъзи бир энг сермеҳнат монтаж операцияларини автоматлаштиришга, тармоқдаги меҳнат унумдорлигини анча оширишга ёрдам беради. Саккизинчи беш йилликда янги роботларни кўплаб ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

(ТАСС).

**КОБУЛ. «Хиаад» газетасининг хабар беришича, кейинги кунларда 40 та оила шимолий-шарқий Афғонистоннинг Бадахшон вилоятига қайтиб келган. Улар ўз ватанини Афғонистон революцияси душманларининг найрангларидан ҳимоя қилишга шай эканликларини изҳор этдилар.**

Апрель революцияси ўз ривожланишининг янги босқичига кирганидан кейин ўн минглаб афғон гражданлари ўз ватанига қайтиб келдилар. АДР ҳукумати яқинда эълон қилган баёнотида мамлакатнинг чет элларга кетиб қолган барча ватанпарварларини ўз юртларига қайтиб келишга яна даъват этди, уларнинг шахсий хавфсизлигини, яшаш жойини, иш турини танлаб олиш эркинлигини, Афғонистонда янги жамият қурилишида актив қатнашиш имкониятини гарантиялади.

**АДДИС-АБЕБА. Эфиопия ташқи ишлар министрлиги гўё Эфиопия кучлари Сомали чегарасида тўпланмоқда, деб Сомалида тарқатилаётган уйдирмаларни қатъиян рад этди. Бу асоссиз даъволарни, дейилади ташқи ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган махсус баёнотида, Сомали ҳукмрон доиралари «маълум манбалар»дан ҳарбий техника олиш режаларини ниқоблаш, Берберда ва бошқа жойларда Американинг ҳарбий базаларини қуриш мақсадида баҳона топиш учун тўқиб чиқаришган.**

**ЛОНДОН. «Шу йил январь ойида Британия ороллари ишсизлар армиясининг сони 2,6 миллион кишига етиши мумкин».**

Англия консерваторлар ҳукуматининг иш билан таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи министри Ж. Прайор Би-Би-Си радиопрограммаларидан бирининг мухбири билан суҳбатда ана шу кўнгилсиз воқеани тан олишга мажбур бўлди. У мамлакатда ишсизлар сони 20 йил давомида доимо кўпайиб бораётганлигини ҳам таъкидлади.

**ОТТАВА. Американинг «Генерал моторс» автомобилсозлик корпорацияси Канададаги ўзига мансуб бўлган бешта корхонада 12 минг ишчининг ишдан бўшатилишини эълон қилди.**

Компания вакилининг айтишича, АҚШда автомобилларга бўлган талабнинг камайиб кетганлиги сабабли шу чора кўрилган. Канададаги автомобиль заводлари маҳсулотининг қариб 80 проценти АҚШга келтирилади.

(ТАСС).

**Ҳозирги вақтда Ҳинд океанида Ғарб мамлакатларининг 60 га яқин ҳарбий кемаси, жумладан Америка авианосецлари кезиб юрибди. Океан устида ичида ядро қуроли бўлган «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлари учмоқда. АҚШ Мисрда, Сомалида, Оммонда ва бошқа мамлакатларда ҳам ўз ҳарбий базаларини кенгайтирмоқда. Суратда: Америка вертолётлари Миср эҳромлари устида.**

АП—ТАСС фотоси.

## МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

**ТОКИО. Токио метрополитени корхоналари ва муассасалари ишчи ҳамда хизматчилари касаба союзлари федерациясининг даъватига мувофиқ федерация аъзоларидан қарийб 200 минг киши икки соатлик забастовка ўтказди.**

Иш ташловчилар маъмурлардан 4800 ходимни ишдан бўшатиш ниятидан воз кечишларини ва ваъда қилинган иш ҳақига қўшимча пул тўлашни талаб қилдилар.

## ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ ЖАҲОН АНЖУМАНИ

**Хельсинкидаги «Финляндия» саройида 19 январда ёшлар ва студентларнинг тинчлик учун, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун жаҳон анжумани очилди. Турли сиёсий ва идеологик маслакдаги ёшлар намояндаларининг мана шу мўътабар учрашувида барча қитъалардаги 100 га яқин мамлакат ёшлар ва студентлар ташкилотларининг 500 дан кўпроқ вакили, шу жумладан совет ёшларининг делегацияси иштирок этмоқда. Ер курраси ёш авлодининг намояндалари ҳозирги замоннинг бутун инсоннятни ҳаяжонга солаётган энг кескин проблемаларини, аввало тинчлик учун ва уруш хавфининг олдини олиш учун кураш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.**

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг табрикномаси анжуман қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди. Финляндия президенти У. К. Кекконен Хельсинки учрашуви қатнашчиларига катта муваффақиятлар тилади.

«Биз ўз масъулиятимизни англаймиз ва ҳозирги замон шароитида ҳалқаро аҳволни яхшилаш ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлида имкони бўлган ҳамма ишни қилиш учун сафларни жиспслаштириш заруратини тушунамиз», — деди Финляндия ёшлар ташкилотлари миллий комитетининг раиси Эса Хярмяла анжуманни очиш пайтида сўзлаган нутқида: Кескинликни юмшатишнинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатлари, қуролланиш пойгасининг социал-иқтисодий оқибатлари бу пойгани чеклаш соҳасидаги ҳаракатлар ва тадбирлар ҳамда ёппасига ва тўла қуролсизланишга ўтиш — мана шу ва бошқа актуал проблемалар анжуман қатнашчиларининг диққат марказида бўлади, деди у.

Анжуман номига «Ҳаёт йўлида — қуролланиш пойгаси тўхтатилсин!», деган хитобнома топширилди. Бу хитобнома остида учрашувга тайёргарлик вақтида Финляндияда тўпланган 130 мингдан кўпроқ имзо турибди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан БМТ қуролсизланиш комиссиясининг вакили Ингрид Лехманн, Финляндия ҳукумати номидан — мамлакат ташқи ишлар министри П. Вяюрюнен анжуман қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

## ЯНГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ИСКАНЖАСИДА

Хитой матбуотининг далолат беришича, ХХР экономикаси таҳликали қийинчиликларга дуч келмоқда. Экономиканинг етакчи тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб бормоқда. Ўтган йили нефть, кўмир қазиб чиқариш қисқарди, трактор ва бошқа машиналар ишлаб чиқариш орқага кетди. Энергетика деярли ривожланмади. Дон ҳосили аввалги йилга нисбатан 10—15 миллион тонна қисқарди.

Ҳаддан ташқари катта молиявий камомат экономиканинг ҳолатига ва жамиятнинг турмушига жуда салбий таъсир қилмоқда. (1980 йилда молиявий камомат 8 миллиард юан миқдорида планлаштирилган эди, аслида эса чет эллик кузатувчиларнинг фикрича, 12—15 миллиард юанга етди). Экономиканинг турли тармоқларида ривожидаги номутаносибликлар, пулнинг қадрсизланиши, нарх-навонинг ошиши, оммавий ишсизликнинг 20 миллиарддан ортиқ кишини ўз гирдобига олганлиги экономиканинг ҳолатига ва жамиятнинг турмушига бениҳоя қаттиқ салбий таъсир қилмоқда. Хуллас, деб таъкидлади «Жэньминь жибао» газетаси янги йил бош мақоласида, Хитой «таҳликали молиявий-иқтисодий кризис» исканжасига тушиб қолди.

Пекиндагилар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий турмушни нормаллаштириш хусусида дабдабали ваъдалар бериб туришибди. Кейинги йиллар мобайнида у ердагилар бу хусусда турли-туман лойиҳаларни неча марталаб эълон қилиб, сўнгра бекор этиб келмоқдалар. 1978 йил мартида мамлакат халқ хўжалигини 1976—1985 йилларда ривожлантиришнинг 10 йиллик плани эълон қилинган эди, орадан 16 ой ўтгандан кейин бу план тутуриқсиз деб топилди ва экономикадаги аҳволни «тартибга солиш»нинг уч йиллик даври билан алмаштирилди. Энди эълон қилинишича, дастлабки мўлжалларга кўра, 1979 йилдан бошлаб 1981 йилнинг охиригача давом этиши лозим бўлган ана шу «тартибга солиш» даври камида 1983 йилгача узайтирилар эмиш. 1981 йил учун халқ вакиллари Умумхалқ мажлисининг сессиясида ярим йил муқаддам қабул қилинган жуда кемтик иқтисодий план билан бюджетни ҳам камайтириш мўлжалланаётгани ҳақида хабар беришмоқда.

«Жэньминь жибао» газетасининг ёзишича, капитал қурилиш ҳажмини янада кескин қисқартириш, ҳатто илгари бошлаб қўйилган қурилишларни тўхтатиш, саноатнинг иш суръатларини секинлаштириш назарда тутилмоқда. Оғир саноатнинг иш билан таъминланиши аввалги йилга нисбатан камайтирилади, ўшанда электр энергия етишмаслиги натижасида мамлакат саноат қувватларининг 20—30 процентидан фойдаланилмай қолган эди. Матбуот саҳифаларида «қийинчиликлардан қўрқмаслик, ўлимдан қўрқмаслик» тўғрисидаги таниш маоча даъватлар яна кўрина бошлади. Бунинг маъноси шуки, меҳнаткашлар янгидан-янги маҳрумликлар ва қийинчиликларга дучор қилинади.

Хўш, Хитой раҳбарлари мамлакатни маоизм юзага келтирган иқтисодий қийинчиликлар ботқоғидан чиқариб ололмаётганликларини қандай изоҳламоқ керак?

Бунинг сабаби шуки, мазкур қийинчиликлардан қутилиш учун Хитойда ХХР барпо этилгандан кейин биринчи ўн йил мобайнида тарихий синовдан муваффақиятли ўтган хўжалик юритиш формаларини қайта тиклаш ва ривожлантириш йўлидан борилмаяпти. Ҳозир Хитой раҳбарлари қабул қилган экономикани бошқаришнинг ислоҳ қилиш йўли эркин рақобатга, хусусий ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга ва «шахсий бойлик орттириш» шиорини зўр бериб тарғиб қилишга қаратилган бўлиб, бу йўл эски зиддиятлар ва номутаносибликларни сақлаб қолиш билан бирга янги зиддиятлар ва номутаносибликларни келтириб чиқаришга ҳам олиб бормоқда. «Уолл-стрит журнэл» газетасининг ёзишича, Чэнду шаҳридаги 1-тўқимачилик фабрикасининг директори: «шахсан менинг фикримча, янги система биз озодликка эришмасдан аввалги системадан фарқ қилмайди» деб айтган.

Шу билан бирга Пекин Ғарб монополияларининг капиталини жалб этишга умид қилмоқда, уларнинг бемалол иш кўриши учун мамлакат жанубида ҳозиринг ўзидаёқ бир неча «махсус зона» ажратиб қўйилди. Модернизациялаш мақсадларига эришиш учун Пекин «капиталистик йўлга жуда ўхшаб кетадиган йўлга кирди» деб ёзади Америкада чиқадиган «Тайм» журнали. Хитой билан ажнабий корхона эгалари ўртасида ҳозиргача аралаш акционер жамиятларни барпо этиш тўғрисида 300 тадан кўпроқ шартнома имзоланди. Капитализм билан мана шундай «ҳамкорлик» Хитой меҳнаткашларига арзон тушмаётганлиги табиий. Шанхайда бўлиб ўтган кенгашлардан бирида Шанхай яқинидаги металлургия комбинатини японлар ёрдамида қуриш қиймати биринчи беш йиллик даврида ХХР экономикасига пойдевор қўйган 156 та энг муҳим объектга сарфланган жами капитал маблағдан уч марта ошиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Маълумки, ўша объектлар Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган эди.

Хитойнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, Хитой раҳбарларининг ҳозирги иқтисодий йўли давлат ва кооператив мулкига тобора кўпроқ путур етказмоқда, Хитойни Ғарбнинг иқтисодий ва сиёсий таъсири гирдобига тобора кўпроқ тортмоқда. Пекин ташқи сиёсатининг империалистларга ён бериш йўлини чуқурлаштирмоқда.

**М. ЯКОВЛЕВ,**
**ТАСС сиёсий обзорчиси.**

# СПОРТ

ҲАР БИР МИКРОРАЙОНДА, УЙДА, ҲАР БИР ҚИШЛОҚДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ БЎЛСИН

## ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

Киров районидаги «Москва» пахтачилик колхозининг марказий қўрғони жойлашган Рапқон қишлоғини кўпинча «Спортчилар қишлоғи» деб атайдилар.

Бу ерда ташкил қилинган спорт коллективи салкам тўрт юз кишини бирлаштирган. Яқиндагина бу хўжалик оммавий спорт ишлари жиҳатидан қолоқ эди. Фарғона педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини битирган, волейбол, енгил атлетика бўйича разрядли спортчи Исмоил Абдураҳмонов жонажон колхозига қайтиб келгач, физкультура коллективига ҳам бошчилик қила бошлади.

Колхоз правленияси, унинг раиси М. Мадаминов ташаббускорни қўллаб-қувватлади, спорт анжомлари сотиб олиш учун маблағ ажратилди. Шундай қилиб, дастлабки спорт секциялари — енгил атлетика, волейбол, шахмат секциялари вужудга келди. Тез орада биринчи колхоз спартакиадаси ўтказилди. Бу спартакиада чинакам саломатлик ва бардамлик байрамига айланиб кетди, спортни тарғиб қилувчи муҳим тадбир бўлди.

Ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион қишлоқ спортчиларининг ифтихори бўлиб қолди: бу ерда республика мусобақалари ҳам ўтказиб турилади.

Комплекс составида футбол майдони, югуриш йўллари, енгил атлетика секторлари, шахмат-шашка клуби бор. Отиш тири, сузиш ҳавзаси, қўл тўпи учун майдончалар физкультурачилар ихтиёрига бериб қўйилган. Барча спорт иншоотлари халқ қурилиши усулида бунёд этилди.

Энди спорт билан шуғулланишни истовчи кишилар ихтиёрида саккиз секция бор. Бу секцияларга жамоатчи тренерлар: маҳаллий мактаб ўқитувчилари Исоқ Маматқулов ва Мирзакарим Эргашев, шофер Абдусалом Зоҳидов, токарь Муҳаммад Тожиматов ва бошқалар бошчилик қилмоқда. «Пахтакор» жамияти Фарғона область Советининг совриндори бўлган футбол командасининг ишқибозлари кўп. Волейболчилар ҳам муваффақиятли беллашдилар.

Олимпиада йилида колхоз физкультурачиларидан 25 киши биринчи спорт разряди, 180 киши оммавий разряд олди, 68 нафар жамоатчи инструктор ва судья тайёрланди.

Қишлоқда спорт базалари ва иншоотларини қуриш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ кўрик-конкурсида колхозга учинчи мукофот, вимпел ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик медали берилди.

**В. ТАТАРИНОВ.**

*Енгил атлетика:*

## КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

СССР кубоги учун курашнинг зонал мусобақаларида Тошкент шаҳри ва области командалари ярим финал баҳсларида иштирок этиш имкониятига эга бўлишгани ҳақида маълум қилган эдик. Кўни кеча енгил атлетикачиларимиз Қараганда шаҳрида совриндорлик баҳсининг ярим финалида иштирок этиб юқори натижалар кўрсатдилар. Спортчиларимиздан саккиз нафари 29 январда Каунасда бошланадиган хал қилувчи баҳсларга йўланма олди.

60 метрга югурган П. Воробьев (6,6 секунд) голиблик қилган бўлса, 100 метрли масофада Ю. Тоне маррага биринчи бўлиб келди. Г. Скориков 18 метру 78 сантиметрга ядро иргитиш билан спорт мастери нормативидан ортиқ натижага эришди. 60 метрга тўсиқлар оша югурган В. Климов (7,8 секунд) ҳам муваффақият қозонди. Б. Хохлов эса уч хатлаб сакрашда (16 метру 15 сантиметр) ажойиб натижага эришди. П. Коган ланг-гар билан сакраб (4 метр 40 сантиметр) муваффақият қозонди. Л. Лисовская билан С. Рябковецлар ядро иргитиш ва узунликка сакраш бўйича иккинчи ўринни эгаллашди.

## СПАРТАКИАДАГА ҲОЗИРЛАНИБ

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренаси икки кун мобайнида ўсмирлар билан гавжум бўлиб турди. Бу ерда Ўзбекистон қишки шахсий-команда биринчилиги ўтказилди. Мусобақада 9 командадан иборат 260 нафар енгил атлетикачи голиблик учун курашди. Умумкоманда ҳисобида биринчи группага кирувчи коллективлар орасида «Ёш куч» кўнгилли спорт жамияти аъзолари муваффақият қозондилар. «Меҳнат» ва «Старт» командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгалладилар. Иккинчи группада эса «Динамо», «Пахтакор» ва «Зенит» КСЖ Ўзбекистон совети коллективлари фахрли ўринларга кўтарилишди.

Шахсий ҳисобда «Ёш куч» командаси аъзолари шу йил ёзда ўтказиладиган Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадасига астойдил ҳозирлик кўришаётганини амалда намойиш этдилар. Жумладан, тошкентлик С. Усев 60 ва 110 метрга тўсиқлар оша югуришда маррага биринчи бўлиб келди. У аввалига 8,1 секунд натижа кўрсатган бўлса, иккинчи масофага 14,2 секунд вақт сарфлади. Узунликка сакраш бўйича Р. Ахмедзянов 7,1 сантиметрли натижа билан эътибор қозонди.

Самарқанллик динамочи А. Ришков билан Ю. Кононников («Ёш куч») баландликка сакрашни ўрнига қўйдилар. Ҳар иккала спортчи 195 сантиметрли натижа кўрсатишди. Тошкентлик студент Р. Гатаулин лангар билан сакрашда (4 метр 40 сантиметр) биринчи бўлди. Самарқандлик Л. Пилипченконинг («Ёш куч»») 400 ва 800 метрга югуриши мутахассислар диққатини жалб этди. 58,8 секунд ҳамда 2 минуту 14,2 секундли натижа келажакда унинг ажойиб муваффақиятга эришишидан далолатдир. Мусобақа мобайнида февраль ойи бошида Донецк шаҳрида икки кураш бўйича ўтказиладиган СССР чемпионатида иштирок этувчилар сараланди.

**БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ГОЛИБЛАР**

* **ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Бинокор» командаси Воронежда «Буран» коллективи билан (8:5, 1:3) учрашди.

Тошкентлик ёш футболчилар машқларга зўр бермоқдалар. Спартакчилар мантаби талабалари Р. Усмонхўжаев раҳбарлигида маҳорат оширишяпти. Суратда: тренер Р. Усмонхўжаев ёш футболчилар даврасида.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

* **ТЕННИС.** Стол тенниси бўйича Ленинградда ўтказилган Европа лигаси аъзолари биринчилигида қатнашган тошкентлик Ф. Булатова Солопов билан бирга аралаш жуфтлик баҳсида муваффақият қозонди.

* **БАСКЕТБОЛ.** Тошкентнинг «Университет» командаси Минск радио-техника институти командасини қабул қилиб (85:78), очколарини 28 тага етказди.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

**МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сизга маъзур шеърлар. 10.35 — Очилган кўприк. Бадиий фильм. 2-серия. 12.10 — Н. Римский-Корсаков. Руча мавзуларга ёзилган увертюра. 12.20 — Ҳужжатли фильмлар. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.55 — Горничлар, қаердасиз! 17.25 — Биргаликда ақил оиламиз. 17.50 — Баскетбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. 18.30 — Фан оламида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Революцион қўшиқлар. 19.50 — Ленин Октябрда. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Мўъжиза сиз-мўъжизалар.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳамдўстлик. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.20 — Мульт фильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ленин партия, Ватан ҳақида қўшиқлар. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Эрканлар командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — АСК (Киев). 23.10 — Оламда нима гап.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.00 — Физика. 22.00 — Спектакль.

## РАДИО

**БУГУН**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.35 — Ленин ҳамиша барҳаёт. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — КПСС XXVI съезди делегатлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 14.00 — «КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама қиламиз. 18.25 — Янги музикали ёзувлар. 19.25 — Партия ҳақида қўшиқлар. 21.00 — Коммунистлар ишончи. 21.10 — Шеърият кечаси. 21.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 23.15 — Лирик концерт.


Реклама ва эълонлар

**Театр**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/I да Қизил ялловдаги кўк тулпорлар, 22/I да Келинлар қўзғолони.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

21 январдан бошлаб

ЯНГИ ПРОГРАММА

**«БЕНГАЛ ЙЎЛБАРСЛАРИ»**

Йўлбарсларни ўргатувчи Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, — Латвия ССР халқ артисти Степан ДЕНИСОВ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12, 16, 19.30 да бошланади.

СССР Алоқа министрлигининг ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ алоқа политехникумига ва бошқа ўқув юртларига кирувчиларни кириш имтиҳонларини топшириш тайёрлайдиган 6 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚУШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10 синф ҳажмида маълумотлилар ва мактаб ўқувчилари қабул қилинади.

Аризалар 16 февралгача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри-189, У. Юсупов кўчаси, 70-уй, 2-қават, 203-хона (10-троллейбус, 8, 14-автобусларнинг «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа Политехникуми» бекатлари). Телефонлар: 41-43-62, 41-35-04.


# ИТАЛИЯНИНГ АНДИЖОНЛИК ҚАҲРАМОНИ

*СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ*

Доимо қўлида математикага оид бирор китоб, ёки қўлёзма кўтариб юрувчи, камсуҳан, дилкаш бу ўқитувчининг таржимаи ҳоли зарварақли эканлиги учрашувга келган ёшларни бир дақиқа довдиратиб қўйди. Кимдир бу кишининг кимлигини аввалроқ билмаганидан афсусланди. Бошқа биров шундай қаҳрамондан таълим олаётганидан ғурурланди. Андижонлик комсомол йигитнинг минглаб километр олисдаги Италияда кўрсатган жасорати студентларни ҳайратга солади.

Катта залда ўтиришга жой йўқ эди. Кўп ўтмай ҳатто тикка турганлар ҳам қўзга ташланиб қолди. Ёшлар чексиз фахр, ҳурмат билан ҳаяжон оғушида тармулайишди. Унга ҳавас қилишади.

Ўрта бўй, қорача юзларига ажинлар туша бошлаган, сочларига оқ оралаб қолган учрашув сабабчиси эса ерга қараганича хотиржам ўтирарди. У бирин-кетин сўзга чиқаётганларни диққат билан эшитарди. У шу залдаги йигит-қизларни кўриб, ёшлигини эсларди. Мана шу қора кўзларнинг бугунги бахтиёр ҳаёти учун беҳуда курашмаганидан мамнун бўларди. Бу олов қалбларга нималар ҳақида гапириб беришни ўйларди.

Андижондан кўнгилли бўлиб, Ватан мудофаасига отланган Аҳмаджон Мамажонов Сталинград остоналаридаги Калач чўлида душманга қарши мардона жанг қилди. Унинг қисми ёв қуршовида қолди. Аҳмаджон қарийб бир йилдан зиёдроқ немисларнинг концлагерларида азоб чекди. Сўнг лагердан қочиб Италия партизанлари сафида Михайло Александро номида немис-фашист босқинчиларига қарши мардона курашди.

У Ойим қишлоқлик Турғунали билан бирга Гарибальди номли итальян партизанлари бригадаларининг Мемо, Масукелли, Кикко ва бошқалар бошлиқ отрядларида кўнгиллилар билан бирга фашистларнинг ўнлаб операцияларини барбод қилди.

Концлагердан маҳбусларни қочиришда иштирок этди. Партизанларга озиқ-овқат топиб келишда намуна кўрсатди. Партизанлар отряли командири Кикконинг буйруғи билан махсус топшириқни бажарди. Яна немисларга асир тушиб, партизанларга озиқ-овқат, керакли маълумотлар жўнатиб турди. Партизанлар яшириниган жойга солдатлар билан йўл олган немис офицерини отиб ўлдирди. Итальян қизлар Эльвира ва Неллилар ёрдамида яна ватанпарварларга қўшилди. Италияни озод қилишда қатнашди. Душманга қарши курашда ўзини кўрсатди. У Италия Коммунистик партияси аъзолигига қабул қилинди. Италия озод этилганидан кейин Каррара шаҳар партия комитетида инструктор бўлиб ишлади. Фашизмга қарши катта ташвиқот ишларини олиб борди. Римда оташин коммунист Пальмиро Тольятти билан учрашди.

Аҳмаджон 1945 йил охирида Андижонга қайтиб, мактабда директор бўлиб ишлади. Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетини тамомлади. Институтларда ўқитувчи бўлиб ишлади. Турмуш ўртоғи Рашида билан беш фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Хўш, у буларнинг қайси бирини гапириб берса экан?

Балки Каррара шаҳар коменданти капитан Шулуни асир олишгани ҳақида гапириб бергани маъқулдир?!

Ўшанда баҳор чечаклаб қолганди. Қуёш гоҳ-гоҳида жамол кўрсатгани билан анча тафтланиб турарди. Тунда партизанлар разведкаси муҳим хабар келтирди: эрталаб шаҳар коменданти Масса тоғлари орасидан ўтадиган йўл орқали ҳамтовоқлари билан музокара олиб боргани боради.

Командир Кикко Аҳмаджонни ҳузурига чақиртирди. Уни капитанни қўлга олиш операциясига жавобгар этиб тайинлади. Аҳмаджон комендантни яхши танирди. Унинг соқчилар қуршовида юришини ҳам биларди.

Аҳмаджон операцияни амалга ошириш учун зарур бўлган партизанларни танлади, комендантни қўлга олиш планини ишлаб чиқди. Операция планини командир маъқуллаганидан кейин Аҳмаджон ва шериклари ухлашга ётишди.

Аҳмаджон тушида Андижонни, онасини, отасини кўрди. Ёз фасли эмиш. Аҳмаджон катта оқ ўрикнинг шоҳига чиқиб олиб, ўрик теради. Пастда маҳалланинг тумонат болалари. Ҳаммаси: «Менга ташланг, менга ташланг!» деб чуғурлашишади. Шу пайт катта оқ ўрикнинг шоҳи қарс этиб синиб кетади. Аҳмаджон пастга қулаб тушади. Аммо қаердандир пайдо бўлган онаси уни тутиб қолади. Қўрқма, ўғлим, ёнингдаман дейди она.

Аҳмаджон кимнингдир турткисидан уйғониб кетди. Кўзини очса навбатчи Роберт (ҳозир Италиянинг миллий қаҳрамони) уни уйғотаётганди. Улар йўлга тушишди. Тоғ йўлининг икки қоя ўртасидан ўтган тор жойига бориб тошлар панасига яширинишди. Баҳор бошланганига қарамасдан ҳаво анча салқин эди. Тонг гирашира ёришиб келарди. Ҳамма ўз жойида сергак турарди. Кўп ўтмай соқчилар мотоцикллари, қора оппел кўринди. Партизанлар оппелни соқчилардан ажратиб қўйишлари керак эди. Аҳмаджон, Жажо тоға мотоциклчилар ўтиши билан ҳарсанг тошни юмалатиб юборишди. Оппел тошга келиб урилиб, йўлда кўндаланг бўлди. Партизанлар соқчиларни кўз очиб юмгунча ер тишлатишди. Комендантнинг шофери ҳам отиб ташланди.

— Жаноб капитан, таслим бўлинг, қуршовдасиз?— деди Аҳмаджон немис тилида. Бунга жавобан қарсиллаб ўқ отилди. Жажо тоға яшин тезлигида Аҳмаджонни тошлар панасига тортди. Партизанлар машинага ўқ ёғдиришди. Сўнг ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди. Аҳмаджон яна капитанга мурожаат қилди:

— Агар таслим бўлмасангиз, машинангиз билан портлатиб юборамиз!

Капитан ўз тилида сўкинди. Яна машинага ўқ ёғдирилди. Аҳмаджон комендантнинг қўрқоқлигини биларди. У шаҳарнинг ўзида ҳам гала-гала соқчилар билан юрарди. Шу боис у машина томон дадил чиқди. Эшикни очиб, капитанни ташқарига чиқишга таклиф этди. Комендант қўлини кўтарганича қалтираб машинадан тушди. Йўлнинг ҳар икки томонида яшириниб ётган партизанлар бир зумда уларни қуршаб олишди.

Жажо тоға комендантнинг бошидан фуражкасини олиб, Аҳмаджонга кийдириб қўйди.

— Сандро, женерал, женерал, — дерди у кувониб. Партизанлар Аҳмаджонни олкишлашди.

Шаҳар коменданти ва унинг семиз папкаси партизанларга жуда кўп зарур маълумотлар берди. Кейинчалик бу маълумотлар Гарибальди номидаги Италия партизанларига Каррара шаҳрини, Италияни озод қилишда катта ёрдам берди...

Ниҳоят унга сўз берилди. Студентлар ҳозиргина жуда хотиржам кўринган бу одамнинг нақадар ҳаяжонда гапираётганлигини кўриб ҳайрон бўлишди. У ўз қаҳрамонлиги ҳақида оғиз тўлдириб гапирмади. Кўпроқ қуролдош дўстлари, турли миллат, турли давлат кишиларининг биргаликда фашизмга қарши олиб борган кураши тўғрисида гапирди.

— Фашистлар Ватанимизга бостириб кирганда биз сизлар каби ёш, навқирон эдик. Ватан озодлиги йўлида босқинчиларга қарши бутун вужудимиз билан курашиб, ёшликка, яъни голибликка содиқ қолдик, — деди Аҳмаджон ака. — Инсон учун энг азиз нарса она-Ватандир. Ватаннинг озодлиги, гуллаб-яшнаши учун ҳамиша курашиш эса ёшларнинг муқаддас бурчи.

Шундан кейин саволлар ёғилиб кетди. Йигит-қизлар кўпроқ унинг Италия тоғларида фашистларга қарши партизанлик ҳаракатида олиб борган ишлари ҳақида сўрашди.

Сарғиш сочларини иккита қилиб олган нозик жуссали қиз:

— Қаҳрамонликнинг асосий манбаи нимада? — деб сўради ундан.

— Келажакка бўлган ишонч қаҳрамонликнинг манбаи, — деди у тўлқиланиб. — Биз урушнинг энг оғир жангларида ҳам, фашистлар концлагерларида ҳам келажакка бўлган ишончни йўқотмадик ва ғалаба қилдик.

...У уйга бир қучоқ гул, олам-олам ҳаяжон билан қайтди. Рашида ая унинг йўлига пешвоз чиқар экан:

— Компанио партизан (итальянча «ўртоқ партизан» маъносида) учрашувдан келяпсиз шекилли, а? — деди кулиб.

— Комсомолларнинг меҳмони бўлдим, — жавоб берди. У қўлидаги анвойи гулларни турмуш ўртоғига узатар экан.

— Суюнчи берасиз дадаси, — дея ая яшил чизиқли оқ конвертни узатди. — Хат келди Равшанбекдан.

Аҳмаджон ака Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўғли Равшанбекдан келган хатни ташналик билан ўқиди. Қалбидаги соғинчи бир оз босилгандек бўлди. Кейин оппоқ қоғозга бежирим қилиб ўралган суратни очди. Суратдаги ҳарбий гимнастерка кийган йигит шундай бегубор кулиб турардики, отанинг вужуди яшнаб кетди. Бу унинг кулгиси эди. Бирдан хотирасида яна Италия, Каррара тоғлари тикланди.

...Ҳар сафар фашистларнинг ёвуз плани партизанлар томонидан барбод этилгандан кейин Михайло Александро (ўзбек йигити Аҳмаджон Мамажоновга қўйилган итальянча исм ва фамилия) худди шунақа юракдан севиниб куларди.

— Эҳ, Сандро, шундай бегубор куласанки, дер эди Жажо тоға унинг елкасига уриб. — Ҳар сафар қулганингни кўрганимда фашист босқинчиларни батамом яксон этишимизга шубҳасиз ишонаман.

— Ёвуз ниятларни албатта мағлуб этамиз, — дерди Аҳмаджон ҳаяжонланиб.

Аҳмаджон ака кечки овқатдан кейин газета-журнал ўқиди, телевизорда «Время» программасини кўрди. Сўнг стол тортмасидан оқ қоғоз олиб, Италияга, собиқ партизан дўстларига хат ёзди. Конвертларни елимлаб, адресни ёздида, эрталаб ишга кетаётиб жўнатишни мўлжаллаб жойига ётди.

Италия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Унита» газетаси 1980 йил 8 май сонида ҳозирда Андижон пахтачилик институти олий математика кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаётган Аҳмаджон Мамажонов ва унинг қуролдош дўстлари ҳақида Галабанинг 35 йиллиги муносабати билан катта мақола ва суратлар эълон қилди.

Газета материаллари орқали Аҳмаджондан хабар топган собиқ партизан ҳозирда Италия Коммунистик партияси Каррара шаҳар комитетининг иккинчи секретари Джино Куриделли, Эльвира, Роберто ва бошқалар унга севинч мактубларини йўллашди. Аҳмаджон акани Италияга таклиф этишди.

**З. МУҲИТДИНОВ, А. ҚУРОНБОЕВ.**

## М. С. БОЙБЕКОВ

1918 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Октябрь социалистик революцияси, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Муҳаммад Содиқович Бойбеков шу йил 17 январь куни 84 ёшида вафот этди.

М. С. Бойбеков 1897 йили Севастополь шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1910 йили ишчиликдан бошлади. 1917—1918 йилларда матрос сифатида Одесса ва Симферополь шаҳарларида Совет ҳокиматини ўрнатиш учун курашларда иштирок этди. Коммунистик партиянинг йўлланмаси билан 1919 йилда Туркистон ўлкасига келди. У Еттисув фронтида босмачилар билан курашда ва Қозоғистон ССР-нинг Верний шаҳрида аксилинқилобий исённи тугатишда қатнашди.

М. С. Бойбеков Ўрта Осиёда олий таълимнинг қарор топиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Лекторлар курсини тугатганидан сўнг 1921 йилдан бошлаб 1930 йилгача Тошкент шаҳрида Совет партия мактаби директорининг ўринбосари бўлиб ишлади, 1930—1939 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг колхоз-совхозлар факультетини бошқарди, Ўрта Осиё пахтачилик институтининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти директори бўлди. 1939—1940 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мактаблар ва фан бўлимининг мудири бўлиб ишлади.

Совет Армияси сафидан қайтгач, 1946 йилдан бошлаб Тошкент қишлоқ хўжалиги институти партия ташкилотининг секретари, колхозларнинг раҳбар кадрлари Тошкент давлат мактабининг директори бўлди. 1952 йилдан бошлаб пенсияга чиққунга қадар Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг умумий деҳқончилик кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлади.

М. С. Бойбековнинг Ватан олдидаги хизматлари партия ва Совет ҳукумати томонидан юксак тақдирланди. У Қизил Байроқ ордени, СССРнинг катор медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Партиянинг содиқ фарзанди, камтар меҳнаткаш, сезгир ўртоқ М. С. Бойбековнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Бир группа ўртоқлари.**

## КОМБИНАТНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ

Сирдарё районидаги Чебоктой посёлкасида қишлоқ кооператорлари колбаса маҳсулотлари цехи қурдилар. Бу ерда иккита механизациялаштирилган линия, гўштни нимталайдиган ускуна, хом таомлар, колбаса дудлайдиган ускуналар монтаж қилинди. Қозхона кунига бир ярим тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу цех учун хом ашёни корхона яқинидаги моллар ва чўчқаларни сўқимга боқадиган комплекс етказиб беради. Бу цех посёлкада барпо этиш мўлжалланаётган кооператив гўшт комбинатининг биринчи навбатидир.

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА

## ЗАБОЙДА ТОЗА СУВ

«Петровская» шахтасида ТАСС мухбирига татиб кўриш учун берилган сув кон йўлларидан оқиб турганди. Сув ичишга яроқли эди. Сув шахта сувларини қайта ишлаш установкаси орқали ўтиб, аралашмалари ва тузидан батамом ҳоли бўлди ва шундай ҳолатга келди. Украина Фанлар академияси коллоид химия ва сув химияси институтининг ходимлари мана шу агрегатни ясадилар.

— Ватан практикасида илк бор сув тозалаш установкаларидан тўла фойдаланишга муваффақ бўлдик, — дейди институт директори, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги А. Пилипченко. — Установка тузни ажратибгина қолмай, уни «хиллаб» ҳам чиқади. «Петровская» шахтасида шу йўл билан магний, натрий тузлари, ўтга чидамли материаллар ишлаб чиқариш учун зарур бошқа маҳсулотлар, енгил қотишмалар, бинокорлик материаллари олинмоқда. Кончилар эса тозаланган сувдан яна фойдаланмоқдалар.

Донецкдаги Засядько номли шахтада соатига 300 кубометр тоза сув берадиган бошқа яна ҳам катта установкани қуриш мўлжалланмоқда.

# ХАЛҚ ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Н. Давқораев номли тарих, тил ва адабиёт институтининг тилшунослари қорақалпоқ тилининг биринчи фразеологик луғатини тузиб чиқдилар. Филология фанлари кандидати А. Абдумуродов раҳбарлигида бир группа олимлар кўп йиллик ишни ниҳоясига етказдилар. Улар ўн мингдан кўп ечимларни йиғдилар ва системалаштирдилар.

Қорақалпоқларнинг тили туркий тиллар қипчоқ гуруҳига киради. Тузилган луғат унинг Шарқий Европа, Урал бўйи ва Ўрта Осиё халқларининг тиллари билан алоқаларини кузатишга имкон яратади, халқнинг бу ерда кейинги ўн йилликларда вужудга келган туб адабий тилини таърифлаб беради.

Революцияга қадар автоном республика территориясида яшаган аҳолининг атиги 0.2 процента саводли эди: ҳар минг кишидан атиги икки кишигина ўқиш ва ёзишни биларди. Тўрттагина мактаб бор эди.

Бугунги Қорақалпоғистон — ялпи саводхон республикадир. Мактаблар, махсус ўрта ўқув юртлари ва олий мактабларда 250 мингга яқин киши ўқимоқда. Бу ерда миллий адабиёт, адабий тил вужудга келган бўлиб, қорақалпоқ халқ фольклорининг ҳамма бойликларини ўзида мужассамлаштирган.

Қорақалпоқ олимлари луғат устида ишлаётиб, Ўзбекистон ва мамлакатдаги бошқа республикалар тилшуносларининг бой тажрибаларидан фойдаландилар Қорақалпоғистон филологлари «Қирқ қиз» достонининг биринчи, академик нашрини тайёрлаётилар. Луғатга Қорақалпоғистоннинг таниқли шоирлари — Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ асарларидан, ҳозирги замон авторларининг асарларидан фразеологик оборотлар киритилди (ЎзТАГ).


Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг коллективи республика радиоси музикали эшиттиришлар бош редакторининг ўринбосари М. А. Мадумаровга онаси

Тўтинисо САДРИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор ўринбосари А. НАБИХЎЖАЕВ.



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, 33-72-83, 32-53-06; ВЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация ва эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 32-54-14; саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26;

Р. 01742. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 17. 4